

ИЛОВА

**ҚУРОЛ САВДОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАНИ
УНИВЕРСАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ВОСИТАЛАР ТЎПЛАМИ**

ANNEX A

ATT UNIVERSALIZATION TOOLKIT

А ИЛОВА
ҚСТХШни УНИВЕРСАЛЛАШТИРИШ
БЎЙИЧА ВОСИТАЛАР ТЎПЛАМИ

1. Ушбу воситалар тўплами ким учун мўлжалланган?.....	1
2. ҚСТХШ нима?	1
2.1. Шартнома нима учун тузилган?	1
2.2. Шартноманинг тузилиши ва кучга кириши.....	1
2.3. ҚСТХШга нечта давлат қўшилган?.....	2
3. ҚСТХШни универсаллаштириш нега муҳим?	2
4. Шартномага қўшилишнинг афзал томонлари нимадан иборат?	2
4.1. Шаффофлик	2
4.2. Тинчлик ва хавфсизлик.....	3
4.2.1. ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ.....	3
4.2.2. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК.....	3
4.2.3. МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК.....	3
4.3. Инсон ҳуқуқлари	3
4.4. Барқарор ривожланиш.....	4
4.5. Савдони тартибга солиш ва савдо стандартларини такомиллаштириш.....	4
4.6. Бошқа воситалардан биргаликда фойдаланиш	4
5. Давлатлар шартномага қўшилгандан кейин қандай қийинчиликларга дуч келади?	4
6. Кўп бериладиган саволлар.....	5
6.1. Шартнома глобал қурол савдосига қандай таъсир кўрсатмоқда?.....	5
6.2. Шартномага қўшилмаган мамлакатлар ҳақида нима дейиш мумкин?.....	5
6.3. Шартноманинг миқёси қандай?	6
6.3.1. ҚСТХШ қандай турдаги қуролларга тааллуқли?	6
6.3.2. ҚСТХШ қурол етказишнинг қайси турларига тегишли?.....	6
6.4. Иштирокчи давлатларнинг ўз мажбуриятларини бажариши қандай таъминланади?.....	6
6.5. Шартнома иштирокчи давлатларнинг қурол импорт қилишига тўсқинлик қиладими? ...	6
6.6. Фуқаролик жамияти ташкилотлари шартномани ижро этишда қандай роль ўйнайди? ...	7

1. Ушбу воситалар тўплами ким учун мўлжалланган?

Универсаллаштириш бўйича ушбу воситалар тўплами Шартномани универсаллаштириш бўйича ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган. Воситалар тўплами доимий янгиланиб боровчи хужжат бўлиб, у ҚСТХШни универсаллаштиришни қўллаб-қувватлашни истаганларга — давлатлар, ҚСТХШ мансабдор шахслари, фуқаролик жамияти ва бошқаларга ёрдам беришга мўлжалланган. Ушбу тўплам 4-ИДКнинг қарорлари ва тавсиялари, шунингдек, ҚСТХШ ишчи гуруҳлари учрашувларидаги муҳокама ва маслаҳатлашувлар давомида иштирокчи давлатлар ўртоқлашган ахборот ва таржибаларга асосланган.

2. ҚСТХШ нима?

Қурол савдоси тўғрисидаги халқаро шартнома (ҚСТХШ) қурол етказиб беришни назорат қилиш борасида энг қатъий халқаро стандартларни жорий қилиш орқали оддий қуроллар халқаро савдосини тартибга солувчи халқаро шартнома бўлиб, оддий қуролларнинг ноқонуний савдоси, шунингдек, уларни ноқонуний қайта йўналтиришнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришга қаратилган.

1-моддада кўрсатилганидек, шартноманинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– оддий қуроллар халқаро савдосини тартибга солиш ёки тартибга солишни такомиллаштириш учун имкон қадар юқори самарадор умумий халқаро стандартларни белгилаш;

– оддий қуроллар ноқонуний савдоси ва унинг ноқонуний қайта йўналтирилишининг олдини олиш ва унга барҳам бериш.

шартномадан кўзланган мақсад:

– халқаро ва минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликка ҳисса қўшиш;

– ноқонуний қурол савдоси туфайли инсонлар азобланишини камайтириш;

– оддий қуроллар халқаро савдоси соҳасида иштирокчи давлатларнинг ҳамкорлиги, бу ҳамкорликнинг шаффоф ва масъулиятга асосланган бўлишини қўллаб-қувватлаш ва бу орқали иштирокчи давлатларнинг бир-бирига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

Демак, бу "бизнинг глобал қурол савдосидаги масъулият, жавобгарлик ва ошқораликни таъминлаш борасида биргаликдаги ҳаракатларимизнинг янги саҳифаси очилганлигини англатади"¹.

ҚСТХШ пировардида халқаро ва минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, одамларнинг азобланишини камайтириш ҳамда ҳамкорлик, шаффофлик ва масъулиятлилиқни ривожлантиришга ҳисса қўшади.

2.1. Шартнома нима учун тузилган?

ҚСТХШ “оддий қуроллар импорти, экспорти ва етказилиши бўйича умумий жаҳон стандартларининг йўқлиги можаролар, одамларнинг зўрлик билан кўчирилиши, жиноятчилик ва терроризмга имкон берувчи омил ҳисоблангани, тинчлик, тотувлик, хавфсизлик, ўзаро ишонч, барқарорлик ва барқарор ривожланишга путур етказиши”ни БМТга аъзо давлатлар тўла эътироф этгани туфайли қабул қилинган (61/89-сонли резолюциянинг 9-банди: “Қурол савдоси тўғрисидаги халқаро шартнома сари: оддий қуролларнинг импорти, экспорти ва

¹Бош котибнинг 2014 йил 23 декабрдаги Қурол савдоси тўғрисидаги халқаро шартноманинг кучга кириши тўғрисидаги баёноти.

етказилиши бўйича умумий халқаро стандартларни белгилаш)².

2.2. Шартноманинг тузилиши ва кучга кириши

Шартнома 2013 йил 2 апрелда БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан қабул қилинган ва 2014 йил 24 декабрдан кучга кирган. Шу тариқа мазкур шартнома оддий қуроллар етказиб беришни тартибга солувчи биринчи глобал, ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий бўлган шартномага айланди.

2.3. ҚСТХШга нечта давлат қўшилган?

Ушбу босқичда 100 дан ортиқ давлат шартноманинг иштирокчи давлатига айланган. Қолган давлатлар уни имзолаган бўлсалар ҳам, ҳалигача ратификация қилмаганлар.

ҚСТХШда иштирок этиш ҳолати тўғрисидаги энг сўнгги маълумотлар, жумладан, минтақа миқёсидаги қисқача шарҳ қуйидаги веб-сайтда келтирилган: <https://www.thearmstradetreaty.org/treaty-status.html?templateId=209883>

3. ҚСТХШни универсаллаштириш нега бу қадар муҳим?

Шартноманинг 17(4)-моддасида иштирокчи давлатлар конференцияларининг расмий сессияларида қандай масалалар кўриб чиқилиши лозимлиги айтиб ўтилган. 17(4)(б)-моддада аниқ кўрсатилишича, иштирокчи давлатлар конференциясида “ушбу шартноманинг ижро этилиши ва амал қилиши, хусусан, унинг универсаллаштирилишини рағбатлантириш борасидаги тавсиялар кўриб чиқилади ва қабул қилинади”. Шартнома матнида айтилганидек, универсаллаштиришни қўллаб-қувватлаш иштирокчи давлатлар конференцияси томонидан кўриб чиқилишга лойиқ энг муҳим масаладир. Аслида ҳам шартномани универсаллаштириш ўта муҳим масала бўлганлиги сабабли 3-ИДК Шартномани универсаллаштириш бўйича ишчи гуруҳни (ШУБИГ) ташкил қилган ва унинг зиммасига шартномани универсаллаштиришни қўллаб-қувватлаш ва “шартномани универсаллаштиришга хизмат қилувчи аниқ тадбир ҳамда вазифаларни ишлаб чиқиш” мажбурияти юкланган.

“Шартномани универсаллаштириш” тушунчаси иштирокчи давлатларни имкон қадар кўпроқ жалб қилиш ва шартнома аъзолари сафини кенгайтиришни ўз ичига олади. Гарчи универсаллаштириш тушунчасига шартнома матнида таъриф берилмаган бўлса-да, у шартноманинг ваколат доирасини кенгайтириш маъносида қўлланиши мумкин. ҚСТХШга иложи борича кўпроқ давлатлар қўшилиши жуда муҳим, чунки халқаро норматив тизим фақат етарли давлатлар уни имзолаган тақдирдагина самарали ишлайди. Бир неча виждонли экспортчиларни қурол етказиш билан боғлиқ хавф-хатарларни баҳолашга мажбур қилишдан маъно йўқ; ноқонуний қурол яхши назорат қилинмайдиган жойлардан ҳам етказиб берилиши мумкин.

Аслида барча давлатлар аъзо бўлган шартнома ёки конвенциялар санокли. Хўш, “универсаллаштириш”га эришиш учун ҚСТХШга нечта ёки қандай тоифадаги давлатлар қўшилиши лозим? 2018 йил июнь ойида ҚСТХШ Котибияти томонидан 50 нафар етакчи қурол экспорт қилувчи ва 50 нафар импорт қилувчиларнинг нечтаси ушбу шартнома иштирокчиси эканлиги таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари шуни

²Бош Ассамблея томонидан 2006 йил 18 декабрда қабул қилинган БМТ резолюцияси, A/RES/61/89, Sixty-first session, Agenda item 90

<http://www.un.org/en/ga/search/view_doc.asp?symbol=A/RES/61/89&Lang=E>

кўрсатдики, етакчи қурол экспортчиларининг кўпчилиги шартномага қўшилган: қурол экспортининг 71%ини ўз ичига олган жаҳондаги етакчи экспортчиларнинг 73%и иштирокчи ёки имзолловчи давлатлардир. Қурол импортининг 36%ини ўз ичига олган етакчи импорт қилувчиларнинг атиги 53%игина иштирокчи ёки имзолловчи давлатлардир. Бу ҳолат универсаллаштириш бўйича қилинадиган ишлар ҳали кўп эканлигини кўрсатади.

Шартномага аъзо бўлган ва шартнома талабларини бажараётган давлатлар сони етарли бўлиб, ҳатто иштирокчи бўлмаган давлатлар учун ҳам шартнома тамойилларига риоя қилиш нормалари вужудга келгандагина бу борада кескин бурилишга эришилган деб ҳисоблаш мумкин. Шундай экан, универсаллаштириш негизида, эҳтимол, мутлақ сонлар эмас, балки муайян бир давлатнинг бу борадаги аниқ позицияси, хатти-ҳаракати ётади.

4. Шартномага қўшилишнинг афзал томонлари нимадан иборат?

ҚСТХШнинг вазифалари, 1-моддада (ва ушбу ҳужжатнинг 1-бўлимида) баён қилинганидек, шартнома мақсадларини ташкил этувчи ижобий оқибатларга олиб келади. Шартномага қўшилиш ҚСТХШ қоидаларига риоя қилувчи глобал ҳамжамият, яъни 1-моддада кўзда тутилган мақсадларга эришиш йўлида оддий қуроллар савдоси қатъий тартибга солинган давлатлар ҳамжамиятининг бир қисмига айланиш демакдир.

4.1.

Шаффофлик

ҚСТХШ шартнома ижроси бўйича дастлабки ҳисоботлар ва қурол етказиш бўйича йиллик ҳисоботлар, шунингдек, ихтиёрий ахборот алмашиш орқали шаффофликни таъминлайди.

ҚСТХШ иштирокчи давлатларга икки ва кўп томонлама шаффоф алоқа каналларини ўрнатиш имкониятини беради. Бу орқали қуйидаги мақсадларга эришилади:

- ўзаро манфаатни ифода этадиган соҳаларни белгилаб олиш;
- ўзаро ишончни таъминлаш ва мустаҳкамлаш;
- савдо стандартларини мустаҳкамлаш масалаларида ҳамкорлик қилиш;
- шартнома талабларининг бажарилишини баҳолашга ёрдам бериш;
- қурол етказиб беришдаги тенденцияларни аниқлаш;
- иштирокчи давлатларнинг шартнома талабларини бажариши борасидаги тавсиялари билан ўртоқлашиш ва тажриба тўплаш;
- халқаро ҳамкорлик ривожига ҳисса қўшиш;
- ресурсларга бой бўлган давлатлар ва ёрдамга муҳтож давлатлар ўртасида алоқа ўрнатиш.

Шу билан бирга, барча мамлакатлар ўз миллий хавфсизлиги ҳақида қайғуради. ҚСТХШ бунини инобатга олган ҳолда, давлатларга тижорат нуқтаи назаридан махфий бўлган ёки миллий хавфсизликка алоқадор ахборотни йиллик ҳисоботлардан чиқариб ташлашга ва/ёки ўз ҳисоботларини кенг жамоатчиликка эмас, балки фақат бошқа иштирокчи давлатларгагина тақдим этиш имконини беради.

4.2. Тинчлик ва

хавфсизлик

4.2.1.

ИНСОН

ХАВФСИЗЛИГИ

ҚСТХШ муқаддимасида таъкидланганидек, оддий қуролларнинг ноқонуний ва тартибга солинмаган савдоси хавфсизликка таҳдид солади ва ижтимоий, иқтисодий ҳамда гуманитар жиҳатдан салбий оқибатларга олиб келади.

Қуролларга осон эга чиқиш имконияти ва улардан нотўғри фойдаланиш нафақат низоли муҳитда, балки тинчлик шароитида ҳам инсон хавфсизлигига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатлар нафақат қон тўкилиши ва жароҳатларга, балки тинч аҳолининг мажбурий тарзда бошқа жойларга кўчишига, соғлиқни сақлаш, таълим ва озиқ-овқат хавфсизлиги хизматларидан фойдаланишнинг чекланишига, қурбонлар ва уларнинг оилалари учун психологик ва иқтисодий жиҳатдан салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Қурол ва ўқ-дориларнинг ноқонуний тўпланиши ва тарқалиши қуролли можароларни ҳал қилишга тўсқинлик қилиши ва тинч аҳолига можародан кейинги даврда ҳам хавф туғдиради.

ҚСТХШ инсон хавфсизлигини оширишга ҳисса қўшиши мумкин. 6-модда (3) “агар ҳар қандай оддий қурол етказилишига рухсат беришда қурол ёки ўқ-дорилардан геноцид, инсониятга қарши жиноятни амалга ошириш, 1949 йилдаги Женева конвенциясини қўпол равишда бузиш, муҳофаза остидаги фуқаролик объектлари ёки фуқароларга ҳужум уюштириш ёхуд ўзи унинг иштирокчиси бўлган халқаро битимлар билан белгиланган бошқа ҳарбий жиноятларни амалга ошириш каби мақсадларда фойдаланмоқчи эканлиги иштирокчи давлатга маълум бўлса”, иштирокчи давлатга бундай рухсат беришни тақиқлайди.

4.2.2. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК

Шартнома мавжуд қуролларнинг масъулиятли якуний фойдаланувчи тасарруфида қолишини таъминлаш ҳамда жиноий ташкилотларга қурол етказиб беришни қисқартиришга мўлжалланган.

Ноқонуний қуролларнинг мавжудлиги давлатнинг хавфсизлик тизимига таҳдид қилиши, шунингдек, қуролли кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ички хавфсизликни самарали таъминлашига тўсқинлик қилиши мумкин.

Шартномага риоя қилиш мавжуд миллий тизимлардаги камчиликларни аниқлаш, бу орқали давлатларга айна камчиликларни таҳлил қилиш, зарур бўлганда молиявий ва техник ёрдам сўраб мурожаат қилиш билан камчиликларни бартараф этиш ҳамда қуролланишни назорат қилувчи миллий тизимни мустаҳкамлаш ва унинг кенг камровлигини таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, шартномада аниқ белгиланганки, у иштирокчи давлат томонидан ёки унинг номидан фойдаланиш учун амалга ошириладиган халқаро қурол ҳаракатланишига, агар қурол иштирокчи давлат эгалигида қолса, тааллуқли бўлмайди. Шундай қилиб, жойлаштирилган қўшинларга қурол-яроғ етказиб бериш, агар бу қуроллар тегишли миссия яқунланганидан сўнг бошқа жойга ташилмаса (ёки жойида қолдириб кетилмаса) шартнома бўйича “қурол етказиш” ҳисобланмайди.

4.2.3. МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК

ҚСТХШ чегарадан ноқонуний қурол ва ўқ-дорилар олиб ўтилишининг олдини олишга ҳисса қўшади ва оддий қуролларнинг минтақавий хавфсизликни беқарорлаштирувчи таъсирини камайтиради. Шунингдек, ҳамкорлик, шаффофлик ва масъулиятли кўшма тадбирларга кўмаклашади, қуролларнинг ноқонуний қайта йўналтирилиши ва савдосига қарши кураш бўйича мавжуд минтақавий механизмларни мустаҳкамлайди.

4.3. Инсон ҳуқуқлари

6- ва 7-моддаларнинг киритилиши ҚСТХШ иштирокчи давлатларидан қурол етказиш ҳақида қарор қабул қилишда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ ва халқаро гуманитар ҳуқуқни асос қилиб олишни талаб этади. 7-моддага биноан, иштирокчи давлатлар шартноманинг 2- (1), 3- ва 4-моддаларида назарда тутилган энг камида оддий қуроллар, ўқ-дорилар ёки қисмлар ва компонентларни етказишга рухсат беришдан олдин хавф-хатарни баҳолаш мезонларини қўллашлари, шунингдек, “биринчи даражали хавф-хатар”, яъни экспорт қилинаётган қуролдан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонун ва халқаро гуманитар ҳуқуқни қўпол равишда бузиш ёки бузишга кўмаклашишда фойдаланиш эҳтимоли мавжуд бўлганда таклиф қилинаётган экспортни рад қилишлари шарт.

ҚСТХШ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларни хавф-хатарни баҳолаш жараёнига киритиш ушбу нормаларни мустаҳкамлайди ва уларни такомиллаштиришга кўмаклашади. Бу эса оддий қуроллар савдосида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни қўллаш ва уларга риоя қилишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, шартномада низолар ва қуролли зўравонликнинг аёллар ва болаларга нисбатан салбий таъсирига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, гендер зўравонлик муаммоси хавф-хатарни баҳолаш мезони сифатида алоҳида таъкидланган (7(4)-моддага қаранг).

4.4. Барқарор ривожланиш

ҚСТХШ Барқарор ривожланиш мақсадларининг (БРМ) куйидаги бандларида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда муҳим роль ўйнаши мумкин: БРМ 16.3 (ноқонуний молиявий оқимлар ва қурол оқимларини 2030 йилгача сезиларли даражада қисқартириш); БРМ 5.2 (хотин-қизларга нисбатан бўладиган зўравонликнинг барча шакллариغا барҳам бериш) ва БРМ 11 (шаҳарларнинг хавфсизлиги, инклюзивлиги, бардошлилиги ва барқарорлигини таъминлаш). ҚСТХШни татбиқ қилиш БРМни қўллаб-қувватлаш ва кучайтиришга қандай ёрдам бериши мумкинлиги ҚСТХШнинг барча ишчи гуруҳлари ўз муҳокамаларига киритган жуда муҳим масаладир.

Шартноманинг шаффофлик, ҳисоб юритиш ва ҳисобот бериш, ахборот алмашиш ва халқаро ёрдам тўғрисидаги қоидалари БРМнинг “барча даражаларда салоҳиятни ошириш, хусусан, ривожланаётган давлатларда зўравонликнинг олдини олиш ҳамда терроризм ва жиноятчиликка қарши курашишда, тегишли миллий институтларни кучайтириш, жумладан, халқаро ҳамкорлик орқали кучайтириш”га йўналтирилган 16а-мақсадини амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшади.

4.5. Савдони тартибга солиш ва савдо стандартларини такомиллаштириш

ҚСТХШ глобал стандарт ишлаб чиқиш ҳамда барча қурол етказиб беришлардаги хавф-хатарларни баҳолашда айнан бир хил мезонларнинг қўлланилишини таъминлашга интилади. ҚСТХШ халқаро савдо соҳасида халқаро стандарт ва нормалар тизимини яратиш орқали қурол савдосида тенг шароитларни яратишга ёрдам беради. Шу сабабли саноат соҳаси вакиллари ҚСТХШни қўллаб-қувватладилар. Улар шартномага нафақат янги ишлаб чиқарувчилар ва экспортчилар, балки қурол экспорти билан кўпдан бери шуғулланаётган давлатларга нисбатан ҳам ягона тартибга солиш нормаларини қўллаш бўйича потенциал восита сифатида

қарашмоқда. Компаниялар ўз имиждари ҳақида тобора кўпроқ қайғурмоқдалар ҳамда битимлар тузишда инсон хавфсизлиги масаласига кўпроқ эътиборга қаратмоқдалар. ҚСТХШ буни ҳам такомиллаштириш имконини таклиф этади.

4.6. Бошқа воситалар билан биргаликда фойдаланиш

ҚСТХШ БМТнинг Кичик турдаги қуроллар бўйича ҳаракатлар дастури ва Ўқотар қуролларнинг ноқонуний тайёрланиши ва муомаласига қарши протокол каби қуролланишни назорат қилиш борасида минтақавий ҳамда халқаро воситаларни қўллаб-қувватлайди ва тўлдиради.

5. Давлатлар шартномага қўшилгандан кейин қандай қийинчиликларга дуч келадилар?

Қуйида Шартномани универсаллаштириш бўйича ишчи гуруҳ ҳамраислари томонидан тузилган ва 4-ИДК тайёргарлик йиғилишларининг ишчи режасига илова қилинган шартномани универсаллаштиришга тўсиқ бўлувчи қийинчиликларнинг нотўлиқ рўйхати келтирилган (А иловага қаранг, АТТ/CSP4.WGTU/2018/CHAIR/249/M1.WorkPlan):

1. Сиёсий муҳитда шартномани ратификация қилиш ҳақида хабардорликни ошириш.
2. Ҳукумат ёки парламентнинг устувор масалалари орасида ҚСТХШнинг устуворлигини ошириш.
3. ҚСТХШ тўғрисида аниқ тасавур ҳосил қилиш орқали унга нисбатан ишончсизликни камайтириш.
 - 3.1. Шартноманинг мақсади ва вазифалари ҳақида нотўғри тасавурлар.
 - 3.2. Ишончсизлик, хусусан, тегишли вазирликлар томонидан билдирилган ишончсизлик.
4. Мамлакат ичидаги сиёсий ҳолат ёки хавфсизликни таъминлаш муаммолари.
 - 4.1. Умумий сайловлар.
 - 4.2. Қурол олиб юришни лоббилаш.
 - 4.3. Низолар ва ҳ.к.
5. Минтақадаги хавфсизлик борасида юз берган вазиятлар.
6. Ратификация бўйича миллий процедураларни жадаллаштириш.
 - 6.1. Мавжуд ички тизимлар/қонунлар нуқтаи назаридан шартнома бўйича мажбуриятларни қабул қилиш оқибатларини баҳолаш учун ҳукумат кўп вақт сарфлашига тўғри келади.
 - 6.2. Зарур миллий қонунларни тайёрлаш ҳам вақт талаб қилади.
 - 6.3. Вазирликлар ўртасида ёки ҳукумат ва парламент ўртасида самарали мувофиқлашиш зарурати.
 - 6.4. Ҳукумат амалдорларини алмаштириб туриш ижобий таъсир кўрсатмайди.
7. Салоҳиятни ошириш.
 - 7.1. Инсон ресурслари ёки тажриба (шартномани бажариш учун).
 - 7.2. Молиявий ресурслар (молиявий мажбуриятларни бажариш учун).
8. Ҳисобот бериш бўйича мажбуриятлар.
 - 8.1. Шаффофликни таъминлаш бўйича чораларга нисбатан ишончсизлик. Ҳисоботнинг ҳаддан ташқари батафсиллиги.
 - 8.2. Ҳисобот беришдаги ҳар бир жиҳат миллий хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан махфий ҳисобланади.
 - 8.3. Ҳисобот мажбуриятлари.
9. Шартномани бошқа томонлар (қўшни давлатлар, йирик экспортчилар, импортчилар ва бошқаларнинг) ратификация қилишини кутиш.

10. ҚСТХШ бўйича музокаралар натижалари, шу жумладан, матн борасидаги фикрлар хилма-хиллигини енгиб ўтиш.

10.1. Шартномани овоз бериш йўли билан қабул қилиш.

10.2. Шартномада муайян талабларнинг борлиги ёки йўқлиги.

6. Кўп бериладиган

саволлар

6.1. Шартнома глобал қурол савдосига қандай таъсир кўрсатмоқда?

Иштирокчи давлатларда ҚСТХШ тобора кўпроқ оммавий чиқишларда қуролни етказиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилинганда тилга олинмоқда. Шу тариқа, фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари иштирокчи давлатларни қурол етказиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда тобора кўпроқ ҚСТХШ қоидаларини ҳисобга олишга ундамоқдалар. ҚСТХШ баҳс-мунозараларнинг бир қисмига, баъзи қурол етказиб бериш ишларининг “масъулиятли нуқталари”ни муҳокама қилаётганда ҳатто мезонга айланиб бормоқда. ҚСТХШнинг тўлиқ, амалий таъсирини баҳолашга ҳали жуда эрта бўлса-да, бир қатор иштирокчи давлатлар қурол экспортини ҚСТХШ мезонлари асосида чеклаб қўяётгани, бошқалари эса буни амалга ошириш масаласида жиддий сиёсий босимларга дуч келаётгани ҳақида аниқ далиллар мавжуд.

6.2. Шартномага қўшилмаган мамлакатлар ҳақида нима дейиш мумкин?

ҚСТХШ нисбатан ҳали “янги” шартномадир. Шунга қарамай, ҚСТХШ кучга кирганига атиги тўрт (4) йил бўлган бўлса ҳам, у аллақачон 100 дан ортиқ иштирокчи давлатга эга бўлди ва ратификация/иштирок суръати энг юқори бўлган қуролсизлантириш тўғрисидаги шартномалардан бирига айланди.

Шартномани имзолаган ва ўзининг унга қўшилишга мойиллигини билдирган, шартноманинг мақсади ҳамда вазифаларига зид хатти-ҳаракатлардан ўзини тийишга рози бўлган бир қатор давлатлар бор (1969 йилдаги Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенцияси, 10- ва 18-моддалар).

Шартномага ҳали қўшилмаган бошқа давлатлар иштирокчи бўлиш истагини билдирган ва шартномага қўшилиш жараёнини бошлаб юборган. Шартномани имзолаш у 2014 йил декабрда кучга киргандан кейин энди ягона шарт бўлмай қолди.

Шартноманинг таъсир доираси кенгайган сари кўпроқ давлатлар иштирокчига айланди, шартнома қоидаларига риоя қилмоқда. Шартнома масъулият асосида қурол етказишга доир халқаро стандартларни белгилаганлиги учун, ҳатто шартномага қўшилмаган давлатлар ҳам унинг тамойилларига риоя қилиш эҳтиёжини ҳис этмоқда.

6.3. Шартноманинг миқёси қандай?

ҚСТХШ муайян тоифадаги қуролларнинг муайян шаклда етказилишини тартибга солади.

6.3.1. ҚСТХШ қандай турдаги қуролларга тааллуқли?

ҚСТХШ оддий қуролларнинг қуйидаги тоифалари халқаро савдосини тартибга солади (2(1)-моддага қаранг):

1) жанговар танклар;

2) жанговар зирҳли

машиналар;

3) йирик калибрли артиллерия

тизимлари;

4) жанговар

самолётлар;

5) жанговар

вертолётлар;

6) ҳарбий кемалар;

7) ракетаалар ва ракетани ишга тушириш

қурилмалари;

8) кичик турдаги қурол ва енгил

қуроллар.

Шунингдек, юқорида санаб ўтилган оддий қуроллар ёрдамида отиладиган ёки ишга тушириладиган ўқ-дорилар экспортга, қолаверса, юқорида кўрсатилган оддий қуролларни йиғишга имкон берувчи шаклда экспорт қилинадиган қисмлар ва компонентларга ҳам тааллуқлидир (3- ва 4-моддаларга қаранг).

6.3.2. ҚСТХШ қурол етказишнинг қайси турларига тааллуқли?

ҚСТХШ қуйидаги турдаги операцияларни тартибга солади (2(2)-моддага қаранг):

– экспорт;

– импорт;

– транзит ва қайта юклаш;

– воситачилик фаолияти.

Шартнома иштирокчи давлат томонидан ёки унинг номидан ўзи фойдаланиши учун амалга ошириладиган халқаро оддий қурол ҳаракатланишига, агар қурол иштирокчи давлат эгалигида қолса, тааллуқли бўлмайди (2(3)-моддага қаранг).

Бундан ташқари, ҚСТХШ “давлатларнинг ўзларини мудофаа қилиш ва тинчликпарварлик операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини татбиқ қилиш учун оддий қурол сотиб олиш бўйича қонуний манфаатларини” тан олади (ҚСТХШ тамойиллари, 7-параграф).

6.4. Иштирокчи давлатларнинг ўз мажбуриятларини бажариши қандай таъминланади?

ҚСТХШнинг ҳисобот бериш бўйича талаблари давлатларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини қандай бажараётганликларини кузатиш имконини беради. Ҳар бир иштирокчи давлатдан у иштирокчи давлатлар таркибига киргандан кейинги бир йил ичида ўзининг шартнома ижроси бўйича амалга оширган ҳаракатлари тўғрисида бошланғич ҳисобот тақдим этиш ва бу ҳисоботга шартноманинг ижроси бўйича қабул қилинган янги чоралар ҳақидаги долзарб маълумотларни киритиш талаб этилади.

Шунингдек, ҚСТХШ Котибияти шартнома бўйича муайян мажбуриятлар иштирокчи давлатлар томонидан бажарилаётганлигининг ҳисобини юритади. Бу мажбуриятлар қуйидагиларни ўз ичига олади: молиявий бадалларнинг тўланиши; миллий назорат рўйхати (5-модда); миллий ваколатли органлар (5-модда); миллий алоқа марказлари (5-модда) тўғрисида маълумотлар тақдим қилиш; шунингдек, бошланғич ва йиллик ҳисоботларни тақдим қилиш (13-модда). Бу маълумотлар ҚСТХШ веб-сайтига жойлаштирилади, уларнинг баъзилари фақатгина иштирокчи давлатларга тақдим қилинади.

Фуқаролик жамияти ташкилотлари иштирокчи давлатларнинг шартнома мажбуриятларини бажаришини назорат қилишда муайян роль ўйнайди. Оммавий ахборот воситалари ҳам сўнгги пайтларда иштирокчи давлатларнинг қурол етказиб бериш тўғрисидаги қарорларини ҚСТХШ мажбуриятларига мос равишда қабул қилаётганликлари ҳақида кўпроқ савол бермоқдалар.

ҚСТХШ ҳар бир давлатнинг ишини назорат қилиш ва унинг шартномага риоя

қилишини қўллаб-қувватлаш бўйича (масалан, бамаслаҳат баҳолаш, эксперт баҳолаш ёки назорат органи каби) расмий баҳолаш механизмларига эга эмас.

6.5. Шартнома иштирокчи давлатларнинг қурол импорт қилишига тўққинлик қиладилми?

ҚСТХШнинг 6-моддаси оддий қуроллар, ўқ-дори/қурол-аслаҳалар, қисмлар ва компонентларни етказишни (жумладан, уларни импорт қилишни), агар бундай етказиш муайян халқаро мажбуриятларни бузса ёки етказилган қурол геноцид, инсониятга қарши жиноятлар ёки ҳарбий жиноятларни амалга ошириш учун қўлланилиши иштирокчи давлатга маълум бўлса, тақиқлайди. Шундай қилиб, шартнома иштирокчи давлатларнинг муайян ҳолатларда қурол импорт қилишига йўл қўймайди (ёки буни тақиқлайди) (ва у муайян ҳолатларда иштирокчи давлатнинг бирор бир давлатга қурол экспорт қилишига йўл қўймайди ёки буни тақиқлайди).

Агар оддий қуроллар, ўқ-дорилар ёки қисм ва компонентларни импорт қилиш/етказиш 6-моддага биноан тақиқланмаган бўлса, ва агар экспорт қилувчи давлат шартноманинг иштирокчиси бўлса, у 7-моддага биноан қўшимча баҳолаш ўтказиши лозим. Бунда қуйидаги хавф-хатарлар баҳоланади: қурол ёки воситалардан халқаро гуманитар ҳуқуқ ёки инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқни қўпол равишда бузиш ёки бузишга кўмаклашиш, экспорт қилувчи давлат иштирокчиси бўлган терроризм бўйича халқаро конвенциялар ёки протоколларга биноан жиноят ҳисобланувчи ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга оширишга кўмаклашиш; ёки экспорт қилувчи давлат иштирокчиси бўлган трансмиллий уюшган жиноятчилик бўйича халқаро конвенциялар ёки протоколларга биноан жиноят ҳисобланувчи ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширишга кўмаклашишда фойдаланиш эҳтимоли. Агар экспортчи давлат 7(1)-моддада кўрсатилган салбий оқибатлардан бирини келтириб чиқарувчи “катта эҳтимолли хавф-хатар” мавжудлигини аниқласа, у экспортга руҳсат бермаслиги шарт, импорт қилувчи давлат эса талаб қилинган қурол ёки воситаларни экспорт қила олмайди. Бунда, импорт қилувчи давлат ҚСТХШнинг иштирокчи давлати ёки иштирокчи давлати эмаслиги аҳамиятга эга бўлмайди. Агар экспортни баҳолаш натижасида “катта эҳтимолли хавф-хатар” аниқланса, импорт қилувчи давлат ёки якуний фойдаланувчи кимлигидан қатъи назар, экспорт қилувчи давлатдан ҚСТХШнинг иштирокчи давлати сифатида экспортни рад этиш талаб қилинади.

Хуллас, агар импорт қилувчи давлат ёки якуний фойдаланувчининг оддий қуролдан муайян мақсад учун фойдаланиши ёки фойдаланиши мумкинлиги аниқланса, ҚСТХШ бу давлатнинг оддий қурол импорт қилиш қобилиятига таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга. Бинобарин, бу ҳолат импорт қилувчи давлат шартноманинг иштирокчи давлати эканлиги ёки эмаслигидан кўра кўпроқ экспорт қилувчи давлат ҚСТХШнинг иштирокчи давлати эканлиги ёки эмаслиги ҳамда у 6-ва 7-моддаларнинг қоидаларини татбиқ қилиши ёки қилмаслиги муҳим бўлади.

6.6. Фуқаролик жамияти ташкилотлари шартномани ижро этишда қандай роль ўйнайди?

Фуқаролик жамияти ташкилотлари ҚСТХШни универсаллаштириш ва амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Фуқаролик жамияти ташкилотлари универсаллаштиришни қўллаб-қувватлаш йўлида миллий ва минтақавий миқёсда мақсадга йўналтирилган фаолиятларни олиб бормоқда. Уларнинг вазифаси мақсадга йўналтирилган тарғибот ишлари ва ахборот тарқатиш, шунингдек, шартноманинг сиёсий устуворлигини сақлаб қолиш учун жамоатчилик босимини таъминлашдан иборатдир. Фуқаролик жамиятининг фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

– шартномани ратификация қилиш ёки унга қўшилишга интилаётган

ҳукуматларга техник экспертиза ва тавсиялар, шу жумладан, имзолаш ва ратификация қилишни тарғиб қилишда ёрдам берадиган маълумот берувчи материаллар, қўлланмалар, воситалар тўплами ва ташвиқот материалларини тақдим этиш;

– қуролларнинг террористик ташкилотлар томонидан ноқонуний қайта йўналтирилишини камайтириш ва бошқа воситалар ўртасидаги алоқаларни белгилаш каби қуролланишни назорат қилиш бўйича муайян соҳаларда сиёсий ресурсларни ишлаб чиқиш;

– шартномани самарали амалга ошириш мақсадида, тегишли мансабдор шахслар, экспертлар ва нодавлат ташкилотлар учун техник ёрдам тақдим қилиш ва бу борадаги минтақавий семинар ёки конференцияларни қўллаб-қувватлаш ва ташкил этиш;

– шартноманинг қонунчилик жиҳатини ва уни амалга ошириш жараёнларини қўллаб-қувватлайдиган тадқиқотчилар ва олимлар жамоасини шакллантириш;

– жамоатчиликни шартномага қўшилиш ва уни самарали амалга оширишга даъват қилишда фаол катнашишга ундаш мақсадида хабардорликни ошириш чораларини қўллаб-қувватлаш;

– иштирокчи давлатларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариши ва шартнома қоидаларига амал қилишини назорат қилиш.

*

*

*